



# Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 8 ноябрь,  
№94 (1061)

www.mahallagtz.uz info@mahallagtz.uz

**БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШЛАРИ**

## Устувор вазифалар ижросида изчиллик зарур

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлим ва бўлимларида жорий йилнинг 9 ойлик фаолият якунларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Тadbирларда «Соғлом бола йили» Давлат дастури, Фонд Иш режаси ҳамда тизимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.



Фонднинг **Бухоро вилояти** бўлими томонидан Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини маҳаллаларда тушунириш бораида 16 та семинар ҳамда 2 мингга яқин тарғибот тadbирлари ташкил этилди.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш кун тартибидеги долзарб вазифалардан, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими бошқаруви раиси Маҳмуд Тоиров. — Шу боис ҳисобот даврида 1639 та тadbиркорлик субъектини ташкил этишга бевоқифа кўмаклашдик. Натижада 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиб, 1500 нафардан ортиқ хотин-қиз ҳамда 800 нафардан зиёд ёш меҳнатга жалб этилди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида маҳаллаларда 654 марта тарғибот тadbирлари ташкил этилди. Ушбу йўналишларга Фонд ҳисобидан 1,2 миллион сўм маблағ сарфланди. > [2]

**САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ**

## Юрт тараққиёти — халқ фаровонлигининг муҳим қафолати

Мамлакатимиз тараққиётида, жамиятнинг демократлашувида муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар яқинлашгани сайин фуқаролар йиғинларида ишлар қизғин тус олаётир.

**Абдумажид САТТОРОВ,**  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзоллигига номзодларни тегишли комиссияларга тақдим этиши, номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатларига эгаллиги уларнинг зиммаларидаги масъулиятни янада оширди.

Сайлов тизимини янада демократлаштириш, номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти янги йўналишда тенг шарт-шароит яратиш, сайловнинг очиқлиги, ошқоралигини таъминлаш бўйича миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалардан сайловчиларни хабардор қилиш фуқаролар йиғинлари иштирокида амалга ошириляётир.

> [2]

**«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»**

## Катта спортга илк қадам маҳалладан бошланади

Шаҳар ва қишлоқлар, олис овуллардаги маҳаллаларда болалар спорт майдончалари, турли секцияларни жамланган мажмуаларнинг фойдаланишга топширилганлиги ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзига одатлантирибгина қолмай, улар учун нуфузли мусобақалар эшикларини ҳам очаяпти.

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**  
«Mahalla»

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» турнири миллионлар ўйинининг оммавий тус олишига туртки бераётир. Ўсирилар тўпни қабул қилиш, шеригига ошириш, зарб билан тепиш, дарвозага тўп киритиш маҳоратини ўзлаштиряётир.

Тўртқул туманидаги «Марказобод» маҳалла фуқаролар йиғини ўсирилари ҳар йили > [4]



ушбу футбол мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. Жорий йилда марказободлик 11-12 ёшли ўсирилар «Футболимиз келажаги» Республика турнирининг финал ўйинларида иштирок этиб, ғолиб бўлишди.

**МАҲАЛЛА КЎЗГУСИДА**



## Шинам, кўркем ва мухташам бинолар юртимизнинг кўркеми

Истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла мустақкам ҳуқуқий асос ва кенг ваколатларга эга бўлди. Миллий меъморчилик андозалари асосида қад ростлаётган фуқаролар йиғинлари бинолари сони тобора ортиб бормоқда. Биргина пойтахтимизда барпо этиляётган маҳалла идоралари шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиш баробарида фуқароларга самарали хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда.

**Толбжон НИЗОМОВ**  
«Mahalla»

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-tadbирлари» ҳамда «2012-2016 йилларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш орган-

ларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш» Дастурлари доирасида жорий йилда фуқаролар йиғинларининг янги идораларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустақкамлаш бўйича талай ишлар

амалга оширилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Аҳрор Фуломов. — Режага асосан 15 та маҳалланинг капитал, 20 тасининг жорий таъмирланиши, 28 та йиғинга компьютер жамланмалари, 36 тасига мебель жиҳозлари олиб бериш кўзда тутилган. Аини пайтгача Юнусобод туманидаги «Гулистон» ҳамда Олмазор туманидаги «Хончорбор» маҳаллаларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди, 25 та маҳалланинг биноси реконструкция қилинди.

Ҳудудларни ўзига хос хусусиятлари, шароит ва имкониятларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, оилаларни мустақкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдек жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган вазифалар маҳалла фуқаролар йиғинлари иштирокида бажарилганлигини инобатга олсак, ушбу институтнинг замонавий биноларда фаолият юритиши давр талаби эканини англаймиз. > [2]

**ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН**

## Бойсун улкан бунёдкорлик остонасида

Мамлакатимизда олиб бориляётган улкан ислохотлар самараси нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, балки аҳоли турмушининг янада фаровонлашганлигида ҳам яққол кўзга ташланипти. Бундай ўзгаришлар туфайли фуқароларнинг эртанги кунга ишончи мустақкамланаётир.

**Нигина ШОЕВА**  
«Mahalla»

Юртимизнинг жанубий ҳудуди — Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 октябрдаги «Сурхондарё вилояти Бойсун туманини 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-tadbирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги йиғилиш баёни ту-

маннинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими ва Бойсун тумани бўлими томонидан 2014-2016 йилларда 14 та маҳалла фуқаролар йиғинини компьютер жамланмалари, 18 тасини мебель жиҳозлари билан таъмирлаш, 12 та йиғин идорасини жорий, капитал таъмирлаш мақсадида 403 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. > [3]



**ЎҚУВ-СЕМИНАР**

## Билим ва тажриба ҳар соҳада асқатади

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, бандликка қўмаклашиш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда етакчи кучга айланган.

**М. МЕЛИҚУЛОВА**  
«Mahalla»

Шу боис маҳаллалар қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар раисларининг соҳага доир ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, тизимга оид янгиликлардан уларни хабардор қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими бошқаруви томонидан таш-

кил этиляётган фуқаролар йиғинларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар раислари учун ўтказилаётган ўқув-семинарлар ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Машгулотларда мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида маҳалла институти изчил ривожлантириляётгани, жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллашти-

риш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишдаги аҳамиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилояти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида уюштириляётган семинарларда янги тахирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-tadbирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Намунавий низоми мазмун-моҳияти хусусида кенг тушунчалар берилмоқда.

— Машгулотларда ўзимизни қизиқтирган кўлаб саволларга жавоб олдик, — дейди Хива туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги Ижтимоий кўлаб-қувватлаш бўйича комиссия раиси Ғайрат Юсупов. — Эндликда биз аҳоли билан ишлашда машгулотларда олган билимларимизга таяниб иш кўраимиз. Маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий кўлаб-қувватлаш,

хусусий тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир вазифаларини кенгайтиришга интиляймиз.

Семинарларда комиссия раисларига Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалар ва уларнинг ижроси билан боглиқ масалалар, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти кенг тушунириляётир.

**МАҲАЛЛАМ — ФАХРИМ**

## Соҳибқирон номини улуғлаб

Самарқанд вилояти Бўлунғур туманидаги Амир Темур номи маҳалламизда кун сайин бунёдкорлик, ободончилик ишлари авжида. Бу ишларга бош бўлган фаоллар аҳолини ягона мақсадга сафарбар этгани, илгор ташаббусларни кўлаб-қувватлаб келаятигани айни муддаодир.



**Латиф СУВОНҚУЛОВ,**  
Самарқанд вилояти Бўлунғур тумани Амир Темур номидаги маҳалла фаоли.

Жумладан, кўчаларимиз қиёфасини кўркемлаштиришда маҳалладошлар бир ёқадан бош чиқариб, ариқ-зовурларни тозалашди, мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказишди — маҳалла кўркемига кўркем қўшилди.

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, сифатли хизмат кўрсатиш тизимини изга солиш ҳам фаоллар эътиборида. Маҳалла аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида бунёд этилган 6 та янги кўчага қувурлар тортилди. Жамоатчилик маблағи ҳисобига бу кўчалар асфальтланди.

Аини пайтда қувурлар эскиргани боис газ таъминотида узилишлар бўляётганди. Оқсоқол ва фаолларнинг ташаббуси билан маҳалла аҳолига юқори босимли газ қувури тортиб келиш масаласи кўтарилди. Вилоят газ идорасининг кўмагида 1200 метрлик қувур тортилиб, газ таъминоти яхшиланди.

Бугун мамлакатимизда бири-бирдан кўркем, замонавий ва қўлай маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари қад ростлаб, барчанинг ҳавасини келтирмоқда. Биз ҳам шундай бинога эга бўлишни истардик. Чунки маҳалла идораси биноси таъмирталаб бўлиб қолганди. Бу масала ҳам кўпнинг кўмагида муваффақиятли ечим топди. Маҳаллада йиғилиб, ба-маслаҳат тегишли ишлар тақсимлаб олинди. Аҳоли ҳашарда жонбозлик кўрсатди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ердан бериб, бугун маҳалла идораси биноси кўркем қиёфа касб этди.

Бионинг иккита хонаси милиция таянч пункти ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори учун жиҳозлаб берилди. Йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси алоҳида хонага эга бўлди. Раис ҳамда масъул котиб хоналаридаги қўлайликлар кадрдон маскандаги ишларнинг юришиб кетишига омил бўляётир.

Соҳибқирон Амир Темур — фахримиз, гуруримиз тими соли. Унинг номини улуғлаш, миллатимизни улуғлаш демакдир. Шу боис сеvimли масканимизни янада обод қилиш, аҳоли ҳамжиҳатлиги ва ҳудуд осойишталигини таъминлаш йўлида бор куч ва имкониятларимизни ишга солаверамиз.





БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШЛАРИ

### Устувор вазифалар ижросида изчиллик зарур



< [1] Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш бўйича 600 га яқин маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар уюштирилди. Ҳар мингга яқин ижтимоий ёрдамга муҳтож оилага моддий кўмак берилди.

Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларидаги 185 нафар фуқаро ва тарбияланувчи, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга «Маҳалла муруввати» масъулиятчи чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган кийим-бошлар тарқатилди.

Тўй ва маросимларни маддабасиз ўтказиш бўйича маҳаллаларда 1701 марта маънавий-маърифий тадбир уюштирилди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож 33 та ёш оилаларнинг никоҳ тўйлари ҳамда 13 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказишда кўмаклашилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Иш режасида белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жами 562 млн. 500 минг сўм Фонд маблағлари сарфланди.

**Фаргона вилоятида** ўтказилган йилги маҳалла ҳисобот даврида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, тизим ходимлари олдида турган муҳим вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Бўлим томонидан 9 ой давомида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини маҳаллаларда тарғиб қилиш мақсадида 21 та семинар, 1,5 миңдан зиёд тарғибот тадбирлари ташкил этилди, — деди вилоят бўлими бошқаруви раиси Акромжон Йўлбарсов. — Айниқса, Президентимизнинг асарлари ва маърузаларида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида жойларда 4 миңдан ортиқ учрашув ва давра суҳбатлари уюштирилди.

Ҳисобот даврида фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мавжуд биноларни реконструкция қилиш, янгиларини қуришга катта эътибор қаратилди. Ма-

МАҲАЛЛА КЎЗГУСИДА

### Шинам, кўркам ва муҳташам бинолар юртимизнинг кўркидир

< [1]

Шу мақсадда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Аҳиллик» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биносини қуриш учун Фонднинг туман бўлини ҳисобидан 53 миллион сўм маблағ ажратилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Миробод туманидаги «Оқ уй», «Янги Замон», «Толарик», «Биродарлик», Олмазор туманидаги «Чуқурсой», «Кичкирик» маҳаллалари бинолари реконструкция қилинди ҳамда «Ачаобод», «Ешлик», «Эски шаҳар», «Чимбой», Гани Аъзамов номидаги ва «Гуручарик» маҳаллалари жорий таъмирдан чиқарилди.

Сергели туманидаги «Дўстлик», Яшнобод туманидаги Амир Темур, Ал-Бухорий номидаги ҳамда «Моҳинур» маҳалла идораларини таъмирлаш ишлари давом этяпти. Чилонзор туманидаги «Ботирма», «Дўстлик», «Катта Хирмонтела» маҳалла фуқаролар йиғинларини таъмирлаш мақсадида Фонднинг туман бўлини ҳисобидан 42 миллион сўм, Юнусобод тумани «Минор», «Янгиобод» маҳалла идораларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 40 миллион сўм, Яқкасарой тумани «Конституция» ва «Бошлик» маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларини таъмирлаш мақсадида эса 40 миллион сўм маблағ ажратилди.



— Авваллари идорамизда фуқароларни қабул қилишга мўлақат шароити йўқ эди, — дейди Яқкасарой туманидаги «Конституция» маҳалласи раиси Набижон Пулатов. — Бош Қомусимизнинг 22 йиллиги арафасида йиғинимиз биноси капитал таъмирдан чиқарилди. Бу ишлар фаолиятимизда самарадорликка эришишда муҳим омил бўляпти.

Жорий йилнинг 9 ой давомида 3 та маҳалла фуқаролар йиғинларида компьютер жамланмиси, 49 тасига мебель жиҳозлари, 2 тасига нухса кўчириш апарати олиб берилди. Ушбу мақсадларга Фонд бўлиналари ҳисобидан 50 миллион сўмга яқин маблағ йў-



налтирилди. Шунингдек, Соғлом бола йилида «Намунавий маҳалла» Дастури доирасида пойтахтимиздаги 375 та маҳалладан ҳар чоракда иккитасини намунали ҳолатга келтириш кўзда тутилган. Шу пайтгача Бектемир туманидаги «Роҳат», «Мирлишкор», Миробод туманидаги «Файзиобод», «Парвона», Мирзо Улуғбек туманидаги Шуқур Бурхонов ҳамда Алишер Навоий номидаги, Яшнобод туманидаги «Янги давр», «Иқбол», Учтепа туманидаги «Истироҳат», Чилонзор туманидаги «Чилонзор», «Навбахор», Шайхонтоҳур туманидаги «Тинчлик», «Илғор», Юнусобод туманидаги «Бободехкон», Яқкасарой туманидаги «Дамарик» маҳаллалари намунали қиёфага келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, ташкил этилаётган замонавий маҳалла гузарлари юрт ободлигини таъминлаш билан бирга, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик маскани сифатида ҳам эъзоз, эътибор тоғмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ҚВП

### Ташхис ва даволаш учун қулай шароит

Конимех туманининг энг чекка ҳудуди — Учтепа овул фуқаролар йиғинидаги қишлоқ врачлик пункти аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришда маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда иш олиб бораётди.

■ Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

— Муассасамиз 2500 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, — дейди муассаса мудири Шамшод Жемура-тов. — Ҳудуддаги 275 та хонадонга умумий амалиёт шифокори ва ҳам-

ширалар бириктирилган. Улар ҳар бир оила аъзосининг соғлиғини назорат қилиб, соғлом турмуш тарзига оид тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Айниқса, фертил ёшидаги ва ҳомиладор аёлларга муҳим тавсиялар, маслаҳатлар бериляпти. Врачлик пункти- мизда ташкил этилган фитобарда тай-



ёрланаётган шифобахш дамламалар аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг асоратларини йўқотишда қўл келмоқда.

Айни пайтда ҚВПнинг 26 нафар тиббиёт ходими Учтепа, Саржал, Боймурат овул фуқаролар йиғинлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Пункт замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Худуд аҳолисининг етмиш физио чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилиб, таҳлил натижаларига асосан керакли чора-тадбирлар белгиланди.

Оилаларда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда ҚВП қошида фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда «Оналар мактаби» ташкил этилган. Ҳар ой охирида ўқув-семинар ўтказилиб, унда мутахассислар аёлларга она сутининг афзаллиги, чақалоқ парвариши, қўшимча овуқлантириш тартиби ва соғлом фарзандни дунёга келтиришга оид тавсиялар берилади. Ўқув адабиётлари тарқатилади. Келгусида ушбу муассасада «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида қайта жиҳозлаш, замонавий тиббий дастохлар келтириш, беморларга шу ернинг ўзида аниқ ташхис қўйиш, даволаш имкониятларини яратиш режалаштирилган.

— Турмуш ўртоғим вафот этганидан сўнг 2 нафар фарзандим билан боқувчисиз қолдим, — дейди Думалоқ қишлоғилик Малоҳат Саматова. — Рўзгорни бутлаб олишимда маҳалла яқиндан ёрдам кўрсатди. Моддий кўмак сифатида берилган бир бош қорамол рўзгоримга қут-баракка олиб кирди.

Эҳтиёжманд оилаларнинг турмуши фаровонлашиб бораётганида ижтимоий кўмак муҳим омил бўлмоқда. «Ҳар бир болага меҳр-эътибор» тадбири доирасида, асосан, шундай оила фарзандларининг пойтахтимиздаги истироҳат боғларига

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

### Юрт тараққиёти — халқ фаровонлигининг муҳим кафолати

< [1]

Сайловларни ўтказишда участка сайлов комиссияларининг алоҳида ўрни бор. Вилоятимиздаги 306 та фуқаролар йиғинининг барчаси қонунда белгиланган ваколатлари доирасида сайлов участкаларини тузиш ва уларнинг комиссиялари таркибини шакллантиришда фаол иштирок этди. 463 та сайлов комиссияси таркибига барча фуқаролар йиғинлари томонидан жамоат ишларида фаол, эл орасида обрў-эътибор қозongan фуқароларнинг номзодлари тавсия этилди.

Шунингдек, фуқаролар йиғинлари сайлов комиссиялари учун хоналар ажратиш, уларни жиҳозлаш, сайлов комиссияси аъзолари учун қулай шарт-шароит яратишда ҳам давлат органлари билан яқин ҳамкорлик қилаётди.

Фонд мутасаддилари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўз номзодларини кўрсатишди. Номзодлар орасида фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам бор.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунда белгиланган ваколатлар жорий йилги сайловларда маҳаллаларнинг янада фаолроқ иштирок этишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қил- япти.

Сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича ўтказилган йиғинларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, туман, шаҳар бўлиналари сайловчиларнинг ҳоҳиш-иродасига боғлиқ. Шу мақсадда бугун Фонд мутасаддилари ҳамда маҳалла фаоллари сайловчи қонунчилик, адолат, ҳолис- шини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпти.

САЙЛОВГА ОИД САВОЛ

### Йиғинлар иштироки ҳуқуқий асосланган

САВОЛ:

— *Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сайловларда иштироки қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?*

ЖАВОБ:

— Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида ша- ҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича, ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва ша- ҳар Кенгашларига сайлов бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига, шунингдек, референдум ўтказиш бўйича участка комиссияларининг аъзолигига номзодларини референдум ўтказиш бўйича тегишли округ комиссияларига тақдим этиши ҳамда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қили- шига доир ваколатлари мустаҳкамланган.

Қонуннинг 13-моддасида фуқаролар йиғини кенгашининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига уларнинг сайловчилар билан учрашувлари уюштириши, фуқароларни қабул қилиши, улар ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга ошириш- да кўмаклашишига оид вако-

латлар, «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг участка сайлов комиссияларига кўмаклашиш борасидаги вазифалари» каби мавзуларда тадбирлар ташкил қилди.

Жорий йилнинг 15 нояб- ридан кейин фуқаролар йиғин- лари учун муҳим босқич — де- путатликка номзодлар билан учрашувлар ташкил этиш бош- ланади. Бу учрашувлар ном- зодлар учун қанчалик муҳим бўлса, фуқаролар йиғинлари учун ҳам шунчалик масъулият- лидир. Чунки йиғинлар ҳудуд- даги 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро аини пайтда сайловчи ҳамдир. Зотан, фуқароларнинг сайловга оид тадбирларда, номзодлар билан учрашувларда фаол қатнашиши давлат бошқарувидаги иштироки ҳи- собланади. Учрашувларнинг ҳудуддаги аҳоли сони ҳисобга олинган ҳолда қулай жойлар- да, барча шарт-шароитга эга биноларда ўтказилишида фуқаролар йиғинлари бош-қош бўлаётди.

Сайловларни оқори савия- да ўтказишда фуқаролар йи- гинларига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, туман ва шаҳар бўлиналари томонидан услубий-амалий ёрдам бериляпти. Маҳалла фаолларига сайлов қонунчили- гига оид мезъорий-ҳуқуқий ҳуж- жатлар, йўриқномалар тарқа- тилди.

Қайси округдан кимнинг номзоди кўрсатилишида аҳо- лалининг фаол муносабати му- ҳим ўрин тутди. Чунки ном- зод қайси партиёга мансуб бў- лишидан қатъи назар, у ҳудуд аҳолисининг мамлакатимиз олий органидаги, вилоят, ша- ҳар, туман Кенгашларидаги ва- кили ҳисобланади. Айни пайт- да кимнинг қаерга сайланиши сайловчиларнинг хоҳиш-иро- дасига боғлиқ. Шу мақсадда бугун Фонд мутасаддилари ҳамда маҳалла фаоллари сайлов- чи қонунчилик, адолат, ҳолис- шини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпти.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

### Ҳеч ким меҳр-мурувватдан бебахра эмас

Халқимизга хос меҳр-оқибат, гамхўрлик ва саховат каби эзгу фазилатлар қалбимизга она алласи, ота ўғити билан синади. Шу боис нафақат қариндошлар ўртасида, балки қўни-қўшни, маҳал- ла-қўй орасида ҳам ҳамшира яқин-ёқин кунда елкадош, ўксик дилларга малҳам бўлишдек амаллар турмушимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган.

■ Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»

Мурувват тадбирларини аниқ ва тартибли олиб боришда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг бўлим ва бўлиналари бажараётган ишлар эътирофга молик. Фонднинг Бўстон- лик тумани бўлини ҳисобидан мақ- садли ҳамда манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича хайрия тадбирларини мунтазам ўтказаят- гани фикримизга бир далил.

Туман ҳокимлиги ва ҳомийлар ҳамкорлигида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, но- гиронлар ҳамда ёлғиз кексалар-

га моддий-маънавий кўмак берил- моқда. Бунда, айниқса, туман Меҳ- нат ва аҳолини ижтимоий муҳофа- за қилиш бўлими билан фуқаролар йиғини ўртасидаги ҳамкорлик қўл келмоқда.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳоли- га ижтимоий кўмаклашишда ҳолис- лик мезонларига амал қилинмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бўстонлик тумани бўлини раиси Тўрабой Раҳмонов. — Ҳимоя- нинг аниқ йўналтирилишига риоя этиш, ажратилган маблағлардан мақ- садли фойдаланишда маҳаллалар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бор-

япмиз. Маҳаллаларда пенсиялар, ижтимоий тўлов ва нафақалар ўз вақтида тўланишининг мониторинг- инги олиб борадиган махсус гуруҳ тузилган.

Мавжуд олтимидан ортиқ фуқаролар йиғини таркибиде Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комис- сиялар самарали фаолият юритмоқ- да. Жорий йилда «Наврўз», «Қўш- қўрғон» маҳалла фаоллари 3 та эҳтиёжманд оила фарзандларининг никоҳ тўйлари ўтказишга ёрдам берган бўлса, «Чимбойлик»да кам таъминланган 3 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди. «Қоронкул» ма- ҳалласида ҳудуддаги 15-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда ёлғиз кекса ва ногиронларнинг рўзгор юмушларига кўмаклашилмоқда.

Хондайлик қишлоқ фуқаролар йи- гинида байрамлар муносабати билан муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳ- сулотлари улашиш аънаёнага айлан-



саёхатлари уюштирилмоқда. Эзгу ишлардан жисмоний имконияти чек- ланган инсонлар, Меҳрибонлик уй- лари тарбияланувчилари ҳам баҳ- раманд.



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# Бойсун улкан бунёдкорлик остонасида



< [1]

Замонавий қишлоқ қиёфаси бугун бевосита намунавий уй-жойлар ҳамда замонавий маҳалла гузарларида намён бўлаётгани бор гап. Шу боис жорий йилда тумандаги «Бибиширин» ҳамда «Бошрабод» маҳаллаларида 35 тадан замонавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга ҳовилларда фуқаролар турмушидан мамнун бўлиб яшамоқда. Аҳоли массивида қурилган болалар майдончаси, спорт мажмуаси доимо ёшлар билан гавжум.

Шунингдек, тумандаги «Инқабод», «Ариқ усти», «Мустақиллик» каби 6 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси саховатпеша тадбиркорлар кўмагида янгидан қурилди. «Боғиболо», «Ширинбод» фуқаролар йиғинлари биноларини реконструкция қилиш мақсадида Фонднинг вилоят бўлими томонидан 8 миллион 260 минг сўм маблағ ажратилди. Шу билан бирга, тумандаги ўттизта маҳалла гузари ҳам ҳудудлар қиёфасига кўрк бағишлади. «Ариқ усти» ва «Газ» маҳалла фаолларининг сайё-ҳаракатлари ҳамда Фонднинг туман бўлимасидан ажратилган 12 миллион сўм маблағ эвазига барча шароитларга эга замонавий спорт мажмуаси қад ростлади. «Темир дарвоза» фуқаролар йиғинининг ёшлари учун ҳам болалар майдончаси қисқа фурсатда фойданишга топширилди.

ҚОНУН ТАРБИОТИ

# Хуқуқий маданият қонунларга амал қилишдир

Мухтор Бердиев бўш вақт топди дегунча маҳалла ҳудудини айланади, йўлда ким билан дуч келмасин, сўраша туриб унинг кайфияти қандайлигини пайқаб олади. Шу асно маҳалладошларнинг қувончу ташвишидан доимо оғох. Бугун ҳам идорадаги ишларини саранжомлаб соатига қаради: туман ҳокимлигида ўтадиган йўналишга ҳали бир соатча вақт бор. Масъул котибга яқин ҳинди бўлишни, зарурат туғилса, қўл телефонига қўнғирок қилишни таъкидлаб, кўчага чиқди.

### ■ Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

— Ассалому алайкум, раис бобо, маҳаллага, сининг ёнингизга бораяптигандингиз, — деди қаршидан чиққан аёл ийманиб.  
Мухтор ака алик оларкан унинг чехрасидаги маъсулликдан ахволни тушунди: «Қизим, идорага бораверинг, зумда ўша ерда бўламан», деди.  
Бу аёлнинг турмуш ўртоғи анчадан бўён хорихда. Уйга бир чақа ҳам жўнатмагани етмаганидек, яқинлари унинг ахвали қандайлигини ҳам билишмайди. Олти ойдириқ, домдарақисиз. Аксига олиб, қайнукан Шерзод ичкиликка берилган. Хар кун уйламанан, ўйни бушатиб қўйинг, дея ўдағайлайди. Шерзоднинг бақир-чақирдан безор бўлган қўшилар маҳаллага бориб, бор гапни айтиб беришди. Кунни кеча Шерзод маҳалла фаоллариға феъл-атвори ни тузатиш тўғрисида ваъда берганди. Наҳотки у ваъдасида турмай, бугун яна тўполон қилган бўлса.

Улар билан ёнма-ён яшаётган кўча боши Хайрулла ака қўшни уйдан бақир-чақир овозлар эшитилмаганини айтганча, раис хайрон бўлиб ортига қайтди.  
— Уғлим энди 8-синфда ўқияпти. Шу пайтдан тамаки чекишни бошлабди, уни отасиз тарбиялашга қийналяпман, — дея йиғлаб юборди аёл. — Кеча дўконга тузга чиққандам, қайтимига тамаки олибди, чўнтагидан топдоломди...  
«Демак, Қарим дўкончига гапимиз кор қилмабди-да, — ўйлади Мухтор ака. — Ахир, тамаки, спиритли маҳсулотлар сотмаслик тўғрисида қайта-қайта оғохлантиргандик уни».  
Қизилтепа туман давлат солиқ инспекцияси нозирлари маҳалла ҳудудидаги савдо дўкониди қонунга зид равишда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотилаётгани ҳуҷусида далолатнома тузишди. Шу кунлик фуқаролар йиғинида учрашув ўтказишди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда

БИТИРUVЧИ БАНДЛИГИ

# Ёшлар машғулот ва муқум иш жойларида

Мамлакатимизда ёшларни меҳнат фаолиятига тўла-тўқис жалб этиш, улар бандлигини таъминлаш долзарб вазифалар сирасидан.

### ■ Ашуралӣ БОЙМУРОД «Mahalla»

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги «Кимёгар» маҳалла фуқаролар йиғинида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда ҳудуддаги тадбиркорлар билан мустақам ҳамкорлик ўрнатилгани яхши самара бермоқда.  
— Жорий йилда маҳалламизнинг 52 нафар ўғил-қизи касб-хўнар коллежларини турли йўналиш ва мутахассисликлар бўйича битирди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулла Ҳамидов. — Уларнинг 33 нафарини ҳудуддаги тикувчилик корхонаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва тумандаги тижорат банкларига ишга жойлаштирди. Қолганларига «Ўзбекқўмир» очик акциядорлик жамияти ҳамда Ангрен иссиқлик электр станцияси билан уч томонлама шартнома имзолаб, муқим иш ўрнига эга бўлишига кўмаклашди.  
Қолаверса, ёшларнинг бўш вақтларини умумли ташкил этиш, касб-хўнарға йўналтириш борасидаги ишларда йиғиннинг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси сардорининг ҳамжиҳатлиқдаги сайё-ҳаракатлари муқим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, улар томонидан ҳудуддаги Ангрен кўмир санаети ҳамда Ангрен ахборот технологиялари ва 13-умумтаълим мактаби мутасаддилари билан биргаликда ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ҳамда ҳуқуқий мавзуларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Уларнинг қизиқишлари, интилишларига



қараб ўқув муассасалари қошида тўғараклар ташкил қилинмоқда. Аини пайтда маҳалланинг юз нафарга яқин ўсмирлари жалб қилиниб, фан, касб-хўнар ҳамда спортнинг турли йўналишларида машғулотлар олиб борилмоқда.  
Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, спортга иштиёқни ошириш мақсадида фаоллар ташаббуси билан ҳудудда замонавий мини-футбол ва спорт майдончаси қурилиши бошлаб юборилди.

Ҳудуддаги коллежда «Орас-та қизлар» тўғаракли йўлга қўйиб, унга юз нафарга яқин қизни жалб этганимиз қўл келяпти. Улар ҳунар ўрганиш ба-робарида рўзгор юмушларини бажаришни ҳам ўзлаштир-моқдалар. Тўғаракка қатнаш-ган қизлар бирор хонадонга келин бўлиб тушгач, турмуш-га тез мослашиб кетаётгани — бизнинг ютуғимиз.  
Яқинда маҳаллани айлиниб юриб, бекорчиликдан кўчада суҳбатлашиб ўтирган уч-тўрт аёлга кўзим тушди. Ҳол-ахвол сўрашгач, нима билан банд-ликларига қиздиким. Икки на-фарини ёш боласи борлиги, шу-нинг учун ҳеч қаерда ишламаё-ганини айтди. Учинчи аёл эса тўрт-беш йил муқаддам турму-ши бузилган, қўлида на ҳуна-ри, на касб-кори бор экан. «Ҳо-зирги қизларга ҳавасим кела-ди. «Орас-та қизлар» тўғарак-ида уларни оилавий ҳаётга пух-

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

# Орзулари ушалган одамлар

Жиззах вилоятидаги Пахтакор туманининг қиёфаси кейинги йилларда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларидан сўнг, тубдан ўзгарди. Айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги тураржой массивлари туманга ўзгача тароват бағишлади.

### ■ Бек НАЗАР «Mahalla»

Пахтакор — ушбу масканнинг энг кўркем қишлоқларидан бири. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш



дастури амалга оширила бошлангандан буён бу ерда намунавий лойиҳалар асосида 55 та уй барпо этилди.  
— Янги массивларнинг ташкил этиляётгани, — дейди фуқаролар йиғини раиси Искандар Юсупов, — оилаларни замонавий, қулай уй-жойлар билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ ақли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётир. Яшаш учун энг қулай шароитларга эғали-

МАСЛАҲАТЧИ ЁН ДАФТАРИГА

# Изланиш ва интилиш ёш танламайди

Косонсой туманидаги «Ровот» маҳалласида аҳоли зич жойлашган. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, бандлигини таъминлашга оид ишларни тизимли ташкил этишни тақозо қилады.

### ■ Хайринисо ХОЛБОУЕВА, Наманган вилояти Косонсой тумани «Ровот» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Ҳудуддаги коллежда «Орас-та қизлар» тўғаракли йўлга қўйиб, унга юз нафарга яқин қизни жалб этганимиз қўл келяпти. Улар ҳунар ўрганиш ба-робарида рўзгор юмушларини бажаришни ҳам ўзлаштир-моқдалар. Тўғаракка қатнаш-ган қизлар бирор хонадонга келин бўлиб тушгач, турмуш-га тез мослашиб кетаётгани — бизнинг ютуғимиз.  
Яқинда маҳаллани айлиниб юриб, бекорчиликдан кўчада суҳбатлашиб ўтирган уч-тўрт аёлга кўзим тушди. Ҳол-ахвол сўрашгач, нима билан банд-ликларига қиздиким. Икки на-фарини ёш боласи борлиги, шу-нинг учун ҳеч қаерда ишламаё-ганини айтди. Учинчи аёл эса тўрт-беш йил муқаддам турму-ши бузилган, қўлида на ҳуна-ри, на касб-кори бор экан. «Ҳо-зирги қизларга ҳавасим кела-ди. «Орас-та қизлар» тўғарак-ида уларни оилавий ҳаётга пух-

МАВСУМ ТАДРИГИ

# Қиш-қировли кунлар иссиқ уйларида ўтади

Аҳоли қиш мавсумини қўнғилдагидек ўтказиши учун уй-жой фонднинг 2014-2015 йиллар қиш даврида барқарор ишланиши таъминлашда Сирдарё вилоятидаги мавжуд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатган. Бу борада вилоятнинг ҳар бир маҳалласида йўлга қўйилган жамоатчилик назорати муаммолар ечимида қўл келмоқда.



### ■ Топшўлат ХАЙИТБОУЕВ «Mahalla»

Сирдарё вилояти ҳокимлигининг уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларни амалга ошириш департаментини маъмулотларига кўра, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг аҳолига кўрсатаётган хизмати ана шу ҳамкорлик боис намунали даражада ташкил этилган. Ҳозирга қадар фуқаролар йиғинлари тавсиясига биноан ҳодимлар ёрдамида 58 та кам таъминланган оиланнинг уй-жойлари таъмирланиб, уларга ўтин ҳамда кўмир етказиб берилди.  
Айни пайтда аҳоли ўртасида «Менинг уйим, менинг маҳаллам», «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилляпти. Тадбирларда аҳолига қиш мавсумига кўра хабардор бўлиш, балки уларга амал қилиш, бўйсунуш ҳамдир. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданияти ортиб боргани сайин қонунга кўра, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йиғирма ёшга тўлмаган шахсларга, таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектларида сотиш тақиқланган. Бундан нафақат савдо ходимлари, балки ҳар бир фуқаро хабардор бўлиши лозим. Шундагина аҳоли савдо дўконларида қонуний тартиб ўрнатилишини талаб қила олади. Ўтказиляётган учрашувларда ёшларнинг иштироки таъминлаётгани ўз натижасини бераётир.  
Шунингдек, қонунда кўзда тутилган яна бир мақсад борки, буни ҳам аҳолига тушунтириш талаб этиляди. Уйга меҳмон келиб қолса ёки бошқа бир зарурат билан мактаб ёшидаги дастёр боласини спиритли ичимлик олиб келиши учун «ғизиллатиб» дўконга югуртирадиган ёхуд «Биш кути сигарета келтир, қайтини ўзингга», дея хотамтолик қиладиган оталар ҳам афсуслик топилади. Йиғин фаоллари тарғибот тадбирларида ушбу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратишаётир. Қолаверса, савдо ходимларининг ҳам қонунга риоя қилиб, харидорнинг ёшини эътибордан четда қолдирмасликлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган. Ҳудуддаги ичкиликка берилган, ҳулқи носоғлом фуқаролар билан яқка тартибда тушунтириш ишлари олиб бориляпти.  
Хуқуқий маданият нафақат қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлиш, балки уларга амал қилиш, бўйсунуш ҳамдир. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданияти ортиб боргани сайин қонунга кўра, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йиғирма ёшга тўлмаган шахсларга, таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектларида сотиш тақиқланган. Бундан нафақат савдо ходимлари, балки ҳар бир фуқаро хабардор бўлиши лозим. Шундагина аҳоли савдо дўконларида қонуний тартиб ўрнатилишини талаб қила олади. Ўтказиляётган учрашувларда ёшларнинг иштироки таъминлаётгани ўз натижасини бераётир.  
Шунингдек, қонунда кўзда тутилган яна бир мақсад борки, буни ҳам аҳолига тушунтириш талаб этиляди. Уйга меҳмон келиб қолса ёки бошқа бир зарурат билан мактаб ёшидаги дастёр боласини спиритли ичимлик олиб келиши учун «ғизиллатиб» дўконга югуртирадиган ёхуд «Биш кути сигарета келтир, қайтини ўзингга», дея хотамтолик қиладиган оталар ҳам афсуслик топилади. Йиғин фаоллари тарғибот тадбирларида ушбу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратишаётир. Қолаверса, савдо ходимларининг ҳам қонунга риоя қилиб, харидорнинг ёшини эътибордан четда қолдирмасликлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган. Ҳудуддаги ичкиликка берилган, ҳулқи носоғлом фуқаролар билан яқка тартибда тушунтириш ишлари олиб бориляпти.  
Хуқуқий маданият нафақат қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлиш, балки уларга амал қилиш, бўйсунуш ҳамдир. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданияти ортиб боргани сайин қонунга кўра, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йиғирма ёшга тўлмаган шахсларга, таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектларида сотиш тақиқланган. Бундан нафақат савдо ходимлари, балки ҳар бир фуқаро хабардор бўлиши лозим. Шундагина аҳоли савдо дўконларида қонуний тартиб ўрнатилишини талаб қила олади. Ўтказиляётган учрашувларда ёшларнинг иштироки таъминлаётгани ўз натижасини бераётир.  
Шунингдек, қонунда кўзда тутилган яна бир мақсад борки, буни ҳам аҳолига тушунтириш талаб этиляди. Уйга меҳмон келиб қолса ёки бошқа бир зарурат билан мактаб ёшидаги дастёр боласини спиритли ичимлик олиб келиши учун «ғизиллатиб» дўконга югуртирадиган ёхуд «Биш кути сигарета келтир, қайтини ўзингга», дея хотамтолик қиладиган оталар ҳам афсуслик топилади. Йиғин фаоллари тарғибот тадбирларида ушбу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратишаётир. Қолаверса, савдо ходимларининг ҳам қонунга риоя қилиб, харидорнинг ёшини эътибордан четда қолдирмасликлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган. Ҳудуддаги ичкиликка берилган, ҳулқи носоғлом фуқаролар билан яқка тартибда тушунтириш ишлари олиб бориляпти.



